

О.МАТЖОН ШЕЪРЛАРИДА АССОЦИАТИВ БИРЛИКЛАРНИНГ ПАРАДИГМАТИК ВА СИНТАГМАТИК АЛОҚАСИ

Раҳмонов Ҳусанбай Абжалилович

Кўйкон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақолада О.Матжон шеърларида ассоциатив бирликларнинг парадигматик ва синтагматик алоқалари ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилган ва синонимик, антонимик, уядошиқ, партонимик, гипо-гиперонимик муносабатдаги бирликлар таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: ассоциация, ассоциатив муносабат, ассоциатив бирлик, лингвистик белгилар, субъектив муносабат, сўзларнинг парадигматик ва синтагматик алоқаси, антонимлар ассоциацияси.

Аннотация:

В данной статье высказываются мнения о парадигматических и синтагматических отношениях ассоциативных единиц в стихотворениях О. Матьона, анализируются единицы, находящиеся в синонимическом, антонимическом, вложенном, партонимическом, гипогиперонимическом отношении.

Ключевые слова: ассоциация, ассоциативная связь, ассоциативная единица, языковые признаки, субъектная связь, парадигматическая и синтагматическая связь слов, ассоциация антонимов.

Abstract:

In this article, opinions are expressed about the paradigmatic and syntagmatic relations of associative units in the poems of O. Matjon, and the units in synonymous, antonymic, nested, partonymic, hypo-hyperonymic relation are analyzed.

Key words: association, associative relationship, associative unit, linguistic signs, subjective relationship, paradigmatic and syntagmatic relationship of words, association of antonyms.

О.Матжон шеърларида ассоциатив бирликларнинг ҳосил бўлишида ҳам лингвистик омиллар билан бирга ташки омилларнинг роли кузатилади. Шоир шеърларида, асосан, куйидаги лингвистик омиллар асосида ассоциатив бирликларнинг ҳосил бўлганлиги аниқланди:

1. Сўзларнинг парадигматик ва синтагматик алоқаси.

Ассоциатив бирликларнинг ўзаро алоқасида уларнинг парадигматик ва синтагматик муносабати муҳим ўрин тутади. Маълумки, бадиий матндан ўрин олган бирликлар матн мавзуси доирасида бирлашиб, воқелик фрагментини тасвирлашга қаратилган ҳамда ижодкорнинг тасвир объекти бўйича тасаввурлари, қарашларини акс эттирувчи ассоциатив бирликлардан ташкил топади. Бундай бирликлар матн таркибида синтагматик ва парадигматик алоқага киришиб, унинг яхлитлигини таъминлайди. Бирор мавзу доирасидаги сўзларнинг ўхшаш, ёндошлиқ белгиси асосида матн таркибида бирлашуви уларнинг парадигматик муносабатига асосланса, бу бирликларнинг ўзаро грамматик жиҳатдан боғланиб, матн синтактик структурасига асос солиши синтагматик муносабатига кўра амалга ошади. Англашиладики, матн таркибидаги ҳеч бир бирлик матндаги бошқа бирликлардан ажralган ҳолда бўлмайди. У ўзининг ҳақиқий моҳиятини матндаги бошқа сўзлар билан бўлган муносабатида намоён қиласди.

Туртки сўз – ассоциатив бирлик ёки ассоциатив бирлик – ассоциатив бирлик ўртасидаги парадигматик алоқа бу сўзлар орасида кузатилувчи синонимик, антонимик, омонимик, уядошлиқ, партонимик, гипер-гиперонимик муносабат асосида юзага чиқади.

Синонимик муносабатга асосланган ассоциация О.Матжоннинг қуидаги шеърий парчасида кузатилади:

*Аммо орзуларимдан Туннинг умри қисқадир,
Кўкка юлдузим қайтар, Османа изим қайтар!*

Мазкур шеърий парчада кўк – осмон синонимиясига асосланган ассоциация ишлатилган. Синонимия *ассоциатив бирлик – ассоциатив бирлик* ўртасида юзага келган.

О.Матжон шеърларида сўз бирикмаси – сўз тузилишидаги бирликлар муносабатида хам синонимияга асосланган ассоциация кузатилади.

Боғбон узум сувин қайга яширди? Кўза оғзин суваб лойга яширди.

Шарбат қирқ ийл яшаб зулмат қаърида, Фақат шиддатини яна оширди.

Берилган тўртлик ҳам сарлавҳасиз шеър бўлиб, унда узум суви бирикмаси туртки сўз вазифасини ўтаган. Бу туртки сўзга нисбатан шеърда унинг шартли синоними сифатида *шарбат* сўзи ишлатилган: *узум суви – шарбат*.

О.Матжон шеърларида антонимлар ассоциацияси *ассоциатив бирлик – ассоциатив бирлик* ўртасида кўзга ташланди. Маълумки, антоним сўзларда ассоциативлик белгиси бошқа сўзларга нисбатан кучли намоён бўлади. Ҳар бир антоним сўз инсон хотирасида ўз зиддини ёдга солиб туради. Шу сабабли антоним сўз иштирок этган шеърларда унинг зиддини ҳам учратиш мумкин бўлади. Бу ҳолатни шоирнинг сарлавҳасиз қуидаги шеърларида кузатиш мумкин:

Шимолда биз ёздан хазонга тушдик. Бу – жсануб. Яна “Ё рамозон!”га тушдик.

Гарбга кетдик – тубсиз қозонга тушдик. Шарққа юрдик, яна озонга тушдик.

* * *

Күз ўнгимда гоҳи кун, гоҳида тундир соchlaring,

Гоҳи оламга ёйиқ, гоҳи тугундир соchlaring...

Нақ олов олган ёноқ узра тутундир соchlaring,

Шундайин ўт устида қандай бутундир соchlaring?!

Биринчи шеърда антонимик муносабатдаги *шимол* – *жсануб*, *Гарб* – *Шарқ* ассоциациялари қўлланган. Бу бирликлар ассоциатив меъёр сифатида тилдан ўрин олган. *Ёз – хазон* (куз маъносида) сўзлари бир-бирига зидланган шартли антонимлар бўлиб, шоирнинг образли тафаккури маҳсули бўлган индивидуал ассоциацияларидир. Кейинги тўртликда кўчма маънога асосланган *кун – тун* антонимик жуфтлиги ҳосил бўлган. Шуниси характерлики, бу ассоциациялар *соҷ* туртки сўзига нисбатан юзага келиб, метафорик маъно касб этган: *соҷ – кун* (ок), *соҷ – тун* (қора). Бу шеърнинг иккинчи мисрасида антонимик муносабатдаги *ёйиқ – тугун* (тугилган маъносида) ассоциатив бирликлари қўлланган. Бу бирликлар ҳам *соҷ* туртки сўзига нисбатан ҳосил бўлган муаллиф ассоциациялари ҳисобланади: *соҷ – ёйиқ, соҷ – тугун*. О.Матжон шеърларида уядошлик муносабатига асосланган ассоциация тури қўп кузатилади. Шеърий санъатда уядош сўзлар таносуб санъатини ҳосил қилувчи бирликлар сифатида баҳоланади. Таносуб санъатини уядош сўзлар ассоциациясига асосланган бадиий санъат дейиш мумкин. Уядош сўзлар ассоциацияси шоирнинг қуидаги шеърларида кузатилади:

Бир ёқдан жодугар игнабарг арча Чимчилаб-чақишига уринса зимдан,

Бир ёқдан чўнг эман зуғм этар сенга, Беҳаё қарагай ялангочлар тан.

* * *

Зим-зиё кўргач фалакни офтоб,

Узлигин тун мулкига этди чироқ.

Юлдузот бош қўшимади бу галвага,

Қолди то зулмат аро кўздан йироқ.

Биринчи шеърий парча ўрмон дараҳтлари ичидаги ўсган оқ қайин тасвирига бағишлиланган сарлавҳасиз шеърдан олинган. Бу парчада қўлланган *арча*, *эман*, *қарагай* сўзлари уядошлик муносабатида бўлиб, қайин туртки сўзига нисбатан ҳосил бўлган. Кейинги шеър тўртлик шаклидаги шеър бўлиб, унда *офтоб* (қуёши) – *фалак* (осмон) – *юлдузот* сўзлари ўртасида уядошлик муносабати кузатилади. Ушбу қаторда *офтоб* сўзи туртки сўз вазифасини ўтаган. Чунки шеърда ифодаланган мазмун офтоб, яъни қуёшнинг тунни ёритиши хақида, шеърдаги бошқа сўзлар семантик жихатдан унинг атрофида бирлашиб, маълум ғояни юзага чиқаришга хизмат қилган.

Тилда партонимик муносабатдаги бирликлар ҳам ассоциатив қаторларга бирлашади. Аммо бу масалада айрим зид фикрлар ҳам учрайди. Р.Сафарованинг фикрича, “*тана, бош, бўйин, елка, қўл, бел, қорин, оёқ* қаторидаги *тана* сўзи ва одам гавдасининг қисмларини ифодаловчи лугавий бирликлар орасида ўзаро тобеланиш ва бўйсуниш муносабатлари мавжуд эмас. Бу шундан далолат берадики, *тана* сўзи ва тана бутунлигининг номларини ифодаловчи сўзлар ўзаро ассоциатив, бир-бирини бириктириб келиш, ўзаро бир-бирпни эслатиш асосида боғланмаганлиги учун ҳам *тана, бош, бўйин, елка, қўл, бел, қорин, оёқ* сўзларининг вертикал қатори тилнинг лексик-семантик тизимида доимий, барқарор алоқа ва барқарор муносабат асосида характерланувчи лексик парадигмаларни ҳосил қила олмайди”¹.

Бизнингча, бу ўринда тадқиқотчи парадигматик ва ассоциатив муносабат тушунчаларини фарқламагандек. Д.Лутфуллаева парадигматик ва синтагматик муносабат терминларининг бири ўрнида иккинчисининг қўлланишига эътиroz билдириб, уларнинг турли тушунчаларни англатишини қўйидагича изоҳлайди: “*Ассоциатив муносабат* бир ёки бир неча сатҳ бирликларининг турли омиллар билан боғлиқ ҳолда инсон тафаккурида ассоциатив боғланишини акс эттиради. Бир тил эгасида бирор тил белгисига нисбатан ҳосил бўлган ассоциация бошқа тил эгасида юзага келган ассоциациядан фарқланади. *Парадигматик муносабат* эса бир сатҳга мансуб тил бирликларининг умумий белгиси асосида муайян гурухларга (семантик, грамматик турларга) бирлашувини акс эттиради. Инсон хотирасидан ўрин олган парадигматик муносабатдаги гурухлар ҳар бир тил эгасида фарқ қилмайди. Бу жиҳатдан ёндашилса, *ассоциатив муносабат* ва *парадигматик муносабат* терминларини муқобил терминлар сифатида қўллаш ўзини оқламайди”².

Дарҳақиқат, Р.Сафарова кўрсатган *тана, бош, бўйин, елка, қўл, бел, қорин, оёқ* бирликлари бир-бири билан тобеланиш муносабатида эмас. Худди шундай, синонимик, антонимик, омонимик, уядошлиқ қаторлари ҳам бир-бири билан тобеланиш муносабатида бўлмайди. Аммо олима келтирган бирликлар ассоциатив алоқада бўлганлиги сабабли ҳам инсон хотирасида бир-бирини осон тиклайди. Масалан, *тана* деганда хотирамизга *бош, елка, қўл, қорин* ва ҳоказо тана қисмларининг келиши табиий. Ёки, аксинча, *бош, елка, қўл, қорин* сўзлари *тана* сўзини ёдга солади. Бу ҳолат уларнинг ассоциатив алоқада эканлиги билан боғлиқ.

Айтиш мумкинки, партонимик муносабатдаги бирликлар хотирамизда бир-бирини ёдга тушириб туриши сабабли матн таркибида ҳам кўпинча бирга қўлланади. Бутун – қисм муносабатига асосланган ассоциация О.Матжоннинг қўйидаги шеърий парчасида қўлланган уй – бўсаға ассоциатив жуфтлиги алоқасида кузатилади:

¹ Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 6. (– 48 б.)

² Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: “Meriyus”, 2017. – Б. 23.

Бир уй тикласам дейман, Мезбони қуёши бўлса.

Бўсағаси тонгларнинг Йўлига туташи бўлса!

Шоирнинг қуйидаги шеърида эса қисм–бутун муносабатига асосланган *бурда нон* ва *нон* бирликларининг ассоциатив боғланиши юзага келган:

*Умр иши бир **бурда нон**, бир қарасам, **Нон** фақат умримга жон, бир қарасам,*

*Умриму оламнинггу бор хислати –**Бурда нон** ичра ниҳон, бир қарасам.*

Жинс-тур, яъни гипо-гипонимик муносабат асосида ҳосил бўлган ассоциациялар шоирнинг “Аёлларга” шеърида кузатилади. Ушбу шеърда *аёл(лар)* стимул сўзига нисбатан шоир хотирасида тикланган *она* ассоциатив бирлиги жинс-тур муносабатини акс эттиради:

*Тилим сиздан **она** деб сўз олгандир,*

Сиз сўзлагач, қушлар тилдан қолгандир.

Сиз айтсангиз – бизнинг айтган ёлғондир,

Ҳар шевангиз юрт-миллатнинг байрами.

Куйидаги шеърий парчада эса, аксинча, тур-жинс муносабатига асосланган *қайин* – *дараҳат(лар)* бирликлари қўлланган:

*Қайдан келиб қолдинг, **қайин**, оқ қайин Бу турфа **дараҳтлар** тигиз ўрмонга?!*

Нега керак экан нозик вужудинг Бу қорлар мулкига, бу қаҳратонга?!

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, О.Матжон шеърларида қўлланган синонимик, антонимик, уядошик, партонимик, гипо-гиперонимик муносабатдаги бирликлар бир-бири билан ассоциатив боғланиб, шеърий матннинг шаклланишида “қурилиш материали” вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лутфуллаева Д Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017.
2. Сафаров Ш. Таржимоннинг лисоний шахс сифатида бажарадиган фаолияти // Хорижий филология. 2018.
3. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2015.
4. Болотнова Н. С. Лексическая структура художественного текста в ассоциативном аспекте. – Томск, 1994.
5. Rahmonov Husanboy Abjalil ogl. (2022). VERSIONS OF ASSOCIATIVE COMMUNICATION IN O. MATJON'S POEMS. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 1073–1075. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/3199>.